# "ЧЕКЛАНГАН ТАЙЁР", ДЕЯ БАҲОЛАНДИ

Туманимизда Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фарғона вилояти бошқармаси ва Ёзёвон тумани ҳокимлиги ҳамкорлигидаги қўмондонлик ўқув-амалий машғулотлари ниҳоясига етди.

Тадбир якунинга бағишлаб ўтказилган йиғилишда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Руслан Ўрманов машғулотлар тартиб-интизом билан рисоладагидек ўтказилганига урғу берди. Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов тактик ўқув машғулотларида туман фаоллари билан ёнма- ён туриб, садоқат билан ишлаган ФВБ офицер ва ходимларига миннатдорчилик билдирди. Машғулотларда фаол қатнашганларга туман ҳокимлиги, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаккурномалари топширилди. Туманда ўтказилган қўмондонлик ўқув тактик машқлари "Чекланган тайёр", дея баҳоланди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-04-28 17:29:36